



Ҳозирги кунда халол маҳсулотлар бозори Россияда ҳам, хорижда ҳам энг жадал ривожланаётган ва истикболли тармоқлардан бири ҳисобланади. Яқин вақтларгача «халол» сўзи асосан гўштга нисбатан ишлатиларди. Бугунги кунда халол тухум, халол сут маҳсулотлари, халол зираворлар, хатто куйида муҳокама қилинадиган нон ва нон маҳсулотлари ҳам мавжуд.

Нон аҳолининг барча катламлари томонидан истеъмол қилинадиган таникли маҳсулот, ноҳотки у ҳам харом моддалар ўз ичига олиши мумкин бўлса? Бўлиши мумкин экан. «Халол бўлмаган» ингредиентлар нафақат спиртли ичимликларни, балки маҳсулотнинг кўринишини, таъмини, хидини яхшироқ томонга ўзгартириши ва уни узокрок сақлашга ҳисса қўшиши мумкин бўлса-да, организмга зарар етказиши мумкин бўлган қўшимчалар

ва консервантларни ҳам англатади. Албатта, агар сиз уйда нон ва пишириклар пиширсангиз, унда уларнинг халол табиати хақида ҳеч қандай шубҳа йўқ, лекин бу ҳолда сиз уларни тайёрлаш учун сотиб олинган ҳам ашёга эътибор беришингиз керак. Бирок, кўпинча, биз саноат усулида ишлаб чиқарилган нон ва пишириклар сотиб оламиз, бунда қуйидаги таркибий қисмларга эътибор бериш керак:

Спиртли ичимликлар. Спиртли ичимликларни халол эмаслиги энг аниқ бўлган модда деб айтиш тўғри бўлса керак. Бу турли мақсадлар учун пиширикларга ҳам қўшилади: мисол учун, ликёр, ром, коньяк тайёр маҳсулотга ўзига хос таъм ёки хид бериши мумкин; арок маҳсулот текстурасини ўзгартириш учун ишлатилади, шароб ёки коньяк – тортларга шимдириш учун; спиртли қўшимчалар ҳамир говаклигини ошириши ҳам мумкин. Таркибида алкоголь бўлган ҳар қандай нон ва кандолат маҳсулотлари, таркибида спирт микдоридан катъий назар, мусулмонлар томонидан фойдаланиши тақиқланади.

Ёғ кислоталарининг моно ва диглицеридлари. Бу кислоталар ўсимликлардан ҳам, ҳайвонлардан ҳам олинган бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда фойдаланиш учун рухсат берилган бўлса, иккинчи ҳолатда халол ҳайвондан олинган бўлса, халолдир. Улар кимёвий таркиби билан бир хил бўлиб, ҳайвон ёғи ёки ўсимлик ёғи ишлатилганлигини аниқлаш мумкин эмас. Бу маълумотни фақат ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи бера олади.

Моноглицерид ва диацетил-шароб кислота эфери. Бу модда юзаки фаол моддалар (ЮФМ) гуруҳига киради. ЮФМдан ҳамирда фойдаланиш нафақат катта ҳажмдаги, балки мағизи юмшок ва говакрок бўлган нон ишлаб чиқаришга олиб келади. Бу моддалар ўсимлик ёки ҳайвонлардан олиниши мумкин (халолдан олинган бўлса), бу уларнинг халоллигини белгилайди.

Ёғлар. Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ўсимликлардан олинадиган ёғлар, ҳайвонлардан олинадиган ёғлар ёки кандолат мойи кенг фойдаланилади, унинг таркибига эса, чўчка ёғи ҳам кириши мумкин. Агар ўсимлик ёғидан фойдаланилган бўлса, бундай маҳсулотни ҳеч қандай шубҳасиз истеъмол қилиш мумкин. Бирок агар нон ёки пиширик таркибида кандолат мойи (ошпазлик мойи) бўлса унинг таркибида нималар борлигини аниқлаб олиш зарур.

L-цистеин. Бу ҳамирга тайёрлаш жараёнини тезлатиш учун қўриқувчи модда сифатида қўшилладиган асосий бўлмаган аминокислота. Одатда бу модда уй пишириклари учун унга қўшилмайди, лекин саноатда нон, пицца, булочка ва пирожное пишириш учун фойдаланилади. L-цистеин қисман лаборатория шароитларида синтез қилинади ва бундай ҳолатда фойдаланишга рухсат этилади. Бирок, унинг аксарияти анча арзон манбалардан – инсон сочлари, қўш патлари, сигир шохлари ва бензин ишлаб чиқаришда иккинчи даражали маҳсулотлардан олинади. Бундай моддалар мавжудлиги пиширикни истеъмол учун ҳаром қилади.

Ферментлар. Нон ишлаб чиқаришда ҳамир таркибида бир нечта ферментларнинг мавжудлиги зарур. Чўққанинг ошқозон ости безидан олинадиган ферментларни

истеъмол килиш тақикланади, лекин ислом меъёрларига мувофиқ сўйилган халол хайвонлардан олинганлари халолдир.

Озик-овкат технологиялари соҳасида муҳандис ва халол аудитор Ольга (Amina) Филоненконинг айтишича, юқорида кўрсатилган таркибий қисмлардан ташқари, хамиртурушга, аниқроғи, уларни ўстириш муҳитига ҳам эътибор бериш лозим, гарчи одатда, хамиртуруш учун ўсимликлардан олинадиган, яъни халол муҳитдан фойдаланилади.

Таркибий қисмлардан ташқари, маҳсулотнинг халоллигини ишлаб чиқариш жараёнида маълум талабларга риоя этилиши ҳам таъминлайди. Масалан, таркибида тақикланган масалликлар бўлмаган маҳсулотнинг юзасига ўчка ёғи суриш унинг «халол» хусусиятини йўққа чиқаради, чунки халол стандартлар талабларидан бири халолни ва харомни аралаштириш ва тегизишнинг тақикланишидир. Шунинг учун халол нон ва пишириклар ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган асбоб-ускуналар ҳам, асбоблар ҳам тоза бўлиши ва халол бўлмаган моддаларга тегинмаслиги керак.

Сиз сотиб олмоқчи бўлаётган ноннинг халол эканлигига қандай қилиб ишонч ҳосил қилиш мумкин? «Халол» логотипи бор ёки йўқлигини текшириб қўришингиз мумкин. Бундай маркалаш маҳсулотнинг махсус халол сертификатлаштириш органлари томонидан тасдиқланганлиги ва тақикланган ашёларни ўз ичига олмаслигини билдиради.

Маълумотни аниқлаштириш учун ишлаб чиқарувчи билан боғланишингиз мумкин.

«Халол» деб маркаланган маҳсулотлар нафакат мусулмонлар учун, балки ўз соғлигини қузатиб, зарарли қўшимчаларсиз озик-овкат танлайдиган ҳар бир киши учун ҳам тавсия этилади. Бундан ташқари, «халол» стандартларга мувофиқ ишлаб чиқариш нафакат инсон организмига зарар етказиши мумкин бўлган, балки атроф-муҳит учун хавфли бўлган таркибий қисмлардан ҳам воз кечишни назарда тутди. Шунга кўра, халол маҳсулотларни танлашда истеъмолчилар ўзларига ҳам, атроф-муҳитга ҳам гамхўрлик кўрсатадилар.

Абу Муслим таржимаси